



## ЎҚУҚ-ТАРТИБОТ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНИЙЛИК ВА ХИЗМАТ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ЎҚУҚИЙ АУДИТ ИНСТИТУТИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

Ғаниев Элёр Ғаниевич

Сирдарё Вилояти Адлия Бошқармаси Ҳуқуқни Қўллаш Амалиётини Ўрганиш Ва Методик Таъминлаш Шўбаси Бош Маслаҳатчиси Ўзбекистон Республикаси Иив Академияси Мустақил Изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18722817>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-fevral 2026 yil  
Ma'qullandi: 18-fevral 2026 yil  
Nashr qilindi: 21-fevral 2026 yil

### KEYWORDS

Ўқуқий аудит, ҳуқуқ-тартибот идоралари, қонунийлик, хизмат сифати, парламент назорати, прокурор назорати, жамоатчилик назорати, процессуал адолат, инсон ҳуқуқлари кафолати, ички назорат, ҳисобдорлик, шаффофлик.

### ABSTRACT

Мақолада ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятида қонунийлик ва хизмат сифатига оид талабларни барқарор таъминлашда "ҳуқуқий аудит" институтининг назарий-амалий асослари ёритилади. Тадқиқотнинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2026 йил 27 январь кунин Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳуқуқ-тартибот тизимидаги айрим йўналишларда тизимли камчиликлар қайд этилгани ва уларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини "ҳуқуқий аудит"дан ўтказиш тизимини жорий этиш вазифаси илгари сурилгани билан асосланади.

Мақолада ҳуқуқий аудит парламент назорати, прокурор назорати ҳамда жамоатчилик назоратини инкор этмасдан, аксинча, уларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тўлдирувчи ва чуқурлаштирувчи институт сифатида таърифланади. Шу билан бирга, континентал (роман-герман) ҳуқуқ оиласи давлатлари тажрибаси мисолида Франция ва Италия ҳуқуқий аудит тизими таҳлил қилинади. Натижада Ўзбекистон учун "ҳуқуқий аудит"ни жорий этиш бўйича ташкилий тузилма, баҳолаш мезонлари, текшириш босқичлари, тавсияларни ижрога қаратилган чора-тадбирлар режаси ва

*жамоатчиликка ахборот тақдим этиш тартибини қамраб олган амалий механизм таклиф этилади.*

Ҳуқуқ-тартибот фаолиятида қонунийлик талабларига қатъий риоя этилиши жамоат хавфсизлигининг ҳуқуқий кафолати бўлгани каби, хизмат сифати ҳам фуқаронинг давлатга бўлган ишончини шакллантирадиган ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳада натижа кўрсаткичларинигина эмас, балки қарор қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ҳам ҳуқуқий мезонлар асосида мунтазам баҳолаш зарурати ошиб бормоқда. Айнан шу эҳтиёж Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2026 йил 27 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам кун тартиби асосий ўринни эгаллади, зеро йиғилишда идоралараро ҳамкорлик етарли эмаслиги, айрим йўналишларда натижадорлик пастлиги, жиноятчиликнинг худудлар кесимида олдинги йиллардагига нисбатан ошганлиги, кибермаконда содир этилаётган жиноятлар ва бошқа омиллар ҳуқуқ-тартибот тизимидаги камчиликлар фақат алоҳида ҳолатлар эмас, балки бошқарув ҳамда ички назорат масаласи эканини кўрсатиб берди.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий аудит институти ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини “айбдорни аниқлаш”га эмас, “tizimni tuzatish”га қаратилган ҳуқуқий восита сифатида шакллантирилиши лозим. Бунда асосий вазифа камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ташкилот ичидаги тартиб-таомиллар, ички ҳужжатлар, назорат йўналишлари ва хизмат маданияти билан боғлиқ ҳолда ўрганишдан иборат бўлади.

### НАЗАРИЙ АСОСЛАР: ҲУҚУҚИЙ АУДИТНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ НАЗОРАТ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Давлат органлари фаолияти устидан назоратнинг ҳуқуқий шакллари мамлакат қонунчилигида аниқ белгиланган. Хусусан, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун парламент назоратининг шакллари ва тартибини белгилайди ҳамда давлат органлари фаолиятини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш имконини беради.

Бундан ташқари, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан очиқлик, шаффофлик ҳамда ҳисобдорликни таъминлашга қаратилган назорат шакллари мустаҳкамлайди.

Шу назорат турлари ўз вазифасига кўра муҳим, бироқ уларнинг ҳар бири муайян чегараларга эга бўлгани учун ҳуқуқ-тартибот идораларидаги тартиб-таомил, ички ҳужжатлар сифати, хизмат кўрсатиш маданияти ва процессуал кафолатларнинг амалда таъминланиши каби масалаларни доимий равишда “tizimli baholash” талабини тўлиқ қамраб олмаслиги мумкин.

Мазкур мақолада қуйидаги таъриф таклиф этилади: **Ҳуқуқий аудит** — ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини қонунийлик, конституциявий принциплар, инсон ҳуқуқлари кафолатлари, процессуал адолат ва хизмат сифати мезонлари асосида комплекс ўрганиш; қонун бузилишига олиб

келаётган тизимли омилларни аниқлаш; уларни бартараф этиш учун ҳуқуқий хулоса ва амалий тавсиялар тайёрлаш ҳамда белгиланган чора-тадбирлар ижросини кузатиб боришга қаратилган институционал баҳолаш шаклидир.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқий аудитнинг фарқловчи жиҳати шундаки, у жазолашга эмас, балки ташкилий-ҳуқуқий институционал такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунга кўра, аудит натижаси одатда “таҳлилий хулоса → тавсиялар → чора-тадбирлар режаси → ижро юзасидан ҳисобот” кетма-кетлигида ифодаланади, зеро айнан шу кетма-кетлик тузатиш ишларини амалий мазмун билан таъминлайди.

### **ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА: РОМАН-ГЕРМАН ҲУҚУҚ ОИЛАСИ ДАВЛАТЛАРИДА БАҲОЛАШ ВА ИНСПЕКЦИЯ АМАЛИЁТИ**

#### **Францияда Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Инспекция генерали**

Францияда Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Инспекция генерали 2016 йил 5 декабрдаги норматив тартибга солиш асосида фаолият юритиб, адлия тизими субъектлари бўйича инспекция ва назорат ишларини амалга ошириш, давлат сиёсати ва хизмат амалиётини ўрганиш, баҳолаш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий маслаҳат бериш ваколатларига эга. Инспекция фаолиятининг амалий аҳамияти шундаки, текширув натижаси умумий қайд билан чекланмай, одатда, иш юритиш ва хизмат кўрсатиш тартибини яхшилашга қаратилган аниқ тавсиялар ҳамда бошқарув қарорларини қўллаб-қувватлайдиган таҳлилий хулосалар билан мустаҳкамланади. Шу орқали баҳолаш “жазоловчи текширув” эмас, балки қонунийлик ва хизмат сифати мезонларини барқарор таъминлайдиган ҳуқуқий-амалий воситага айланади. Бу эса, ўз навбатида, тизимнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда жамоатчилик ишончини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилади.

#### **Италия: инспекция фаолиятнинг ташкилий аҳамияти**

Италия Республикаси Адлия вазирлиги тизимида Бош инспекторининг инспекция фаолияти суд ва суд идораларида хизматлар қонунлар, регламентлар ҳамда ваколатли органлар кўрсатмаларига мувофиқ ташкил этилган-этилмаганини аниқлаш, шунингдек идораларнинг ишчанлик ҳолатини кузатиш ва назорат қилишга қаратилган. Инспекция ишлари, одатда, йиллик дастурлар асосида режали тарзда, зарур ҳолларда эса вазир топшириғига мувофиқ мақсадли йўналишда амалга оширилиши мазкур фаолиятнинг тизимли хусусиятини кўрсатади.

Мазкур тажриба миллий модель учун қуйидаги хулосани мустаҳкамлайди: ҳуқуқ-тартибот соҳасида “ҳуқуқий аудит” текширувни оддий қайд ёки умумий кузатув даражасида қолдирмасдан, ички тартиб-таомилларнинг қонунийлигини таъминлаш, иш юритиш амалиётини бир хил қўллашга йўналтириш, ички назоратнинг ишчанлигини ошириш ҳамда бошқарув қарорларини ҳуқуқий жиҳатдан асослашга хизмат қилувчи институт сифатида шакллантирилиши лозим.

#### **ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ: ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМА, БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА АМАЛИЙ ТАРТИБ**

2026 йил 27 январь Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган йиғилишида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятида аниқланаётган камчиликларни бартараф этиш учун

Адлия вазирлиги томонидан “хуқуқий аудит” тизимини жорий этиш вазифаси қўйилгани мазкур институтнинг шаклланиши учун муҳим йўналтирувчи асос ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, “Хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасида хуқуқий аудитнинг мақсади, предмети, ваколатлар чегараси, тавсияларни кўриб чиқиш мажбурияти ва ахборот тақдим этиш тартиби аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Хуқуқий аудит аввало инсон ҳуқуқлари кафолатлари ва фуқаро манфаати учун аҳамиятли бўлган жараёнларга қаратилса, унинг амалий самараси ортади. Шу боис, қўйидаги йўналишлар устувор тарзда қамраб олиниши мумкин: мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш; профилактика тадбирлари; мажбурлов чораларини қўллаш амалиёти; кибержиноятчилик бўйича иш юритиш тартиби; ички хизмат текширувлари ва ички назоратнинг ишчанлиги.

Миллий амалиёт учун қўйидаги уч қисмли мезонлар тизими таклиф этилади, зеро ушбу тизим қонунийлик ва хизмат сифати талабларини бир-бирига боғлаб туради:

**1.Меъёрий мувофиқлик:** ички ҳужжатлар ва амалиётнинг Конституция ва қонунларга мослиги, ваколатлар чегараси, қарорларнинг асослантирилиши ва ҳужжатлаштирилиши.

**2.Процессуал адолат:** ҳуқуқларни тушунтириш, далилларни сақлаш, муддатларга риоя этиш, шикоятларни ҳолисона кўриб чиқиш, мутаносиблик.

**3.Инсонпарвар хизмат стандарти:** муомала маданияти, камситишга йўл қўймаслик, қийноқлар профилактикаси, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш.

Аудит объектларини белгилаш “ҳаммани бир хил текшириш” тамойилига эмас, балки хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавф-хатар омилларини ҳисобга олган ҳолда устуворлик белгилашга таянса, текширувлар натижадор бўлади. Шу мақсадда мурожаат ва шикоятлар таҳлили, қайта-қайта учрайдиган камчиликлар ҳақидаги маълумотлар, ҳудудий криминоген вазият ва ички назоратга оид иш ҳужжатлари ҳисобга олиниши лозим.

Хуқуқий аудит натижаси қўйидаги ҳужжатлар орқали расмийлаштирилса, унинг таъсири кучаяди:

- **таҳлилий хулоса** (камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга имкон яратган шарт-шароит билан);
- **амалий тавсиялар** (меъёрий-ташкилий чоралар йўналиши);
- **чора-тадбирлар режаси** (муддат, масъул, амалий кўрсаткичлар билан),
- **ижро юзасидан ҳисобот бериш тартиби.**

Бунда асосий қоида шуки, аудит натижалари интизомий жазо чорасига автоматик тарзда айланиб кетмаслиги, аксинча, мавжуд камчиликларни ислоҳ қилиш ва иш услубини яхшилашга хизмат қилиши лозим.

Фуқароларнинг давлатга ва давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун умумлаштирилган натижалар ва кўрилган чоралар ҳақида ахборот жамоатчиликка тақдим этилиши шартлиги. Бироқ тергов сирлари, хизматга оид маълумотлар ва шахсий маълумотлар дахлсизлиги қатъий сақланиши зарур, зеро шаффофлик талабини бажариш махфийлик талабини бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги керак.

### Хулоса

Мазкур таҳлил шуни кўрсатадики, ҳуқуқий аудит ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан мавжуд парламент ва жамоатчилик назоратини алмаштирмайди, балки уларнинг таъсирчанлигини оширадиган қўшимча институт сифатида намоён бўлади. Континентал ҳуқуқ оиласи давлатлари тажрибаси (Франция ва Италия) текширув ва баҳолаш тизимлари қонунийлик билан хизмат сифати талабларини бир мезонлар тизимига солган ҳолда ишлаганда, камчиликларни бартараф этиш ва ишончни мустаҳкамлаш самараси юқори бўлишини тасдиқлайди.

Шу боис, Ўзбекистонда ҳуқуқий аудитни жорий этиш Адлия вазирлиги иштирокида аниқ тартиб-таомиллар, баҳолаш мезонлари, тавсияларни ижро этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ва ҳисобдорлик талаблари асосида шакллантирилса, ҳуқуқ-тартибот фаолиятида қонунийлик ва хизмат сифатига оид талабларни барқарор таъминлашга хизмат қилади

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎЗА. “Ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти танқидий кўриб чиқилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида янги вазифалар белгилаб берилди”, 27.01.2026.
2. Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни (O‘RQ-403), 11.04.2016.
3. Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни (O‘RQ-474), 12.04.2018.
4. Lex.uz. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрир), 29.08.2001 (257-II).
5. Légifrance. Décret n° 2016-1675 du 5 décembre 2016 (Inspection générale de la justice).
6. Ministère de la Justice (France). “Inspection générale de la Justice: missions et organisation”.
7. Ministero della Giustizia (Italy). “Attività ispettiva”.
8. Rechtspraak.nl. “Meten van kwaliteit rechtspraak” ва “Visitatie” материаллари.
9. Council of Europe – CEPEJ. “Evaluation of the judicial systems 2024 (data 2022): Germany” ва “Special file – 2024 Evaluation cycle”.